



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 3 февраль, № 23 (6981) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида 2 февраль куни экологик ҳолатни яхшилаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни таҳлил этиш, энг долзарб вазифаларни белгилаб олишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 апрелдаги Фармони мувофиқ, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қайта ташкил этилиб, унинг зиммасига экологик ҳолатни яхшилаш, маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташвиш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш борасида кўплаб вазифалар кўйилди.

Шунингдек, 2017 — 2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни тубдан яхшилаш юзасидан комплекс дастур қабул қилиниб, молиялаштириш манбалари аниқ белгилаб берилди. Тизимда 13 та "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхонаси ва уларнинг 174 та туман (шаҳар) филиали ташкил этилди. Ушбу унитар корхоналар балансида 1 минг 300 та махсус техника, 1 мингта чиқинди тўплаш майдончаси, 5 минг 800 та контейнер ва 172 та полигон ўтказилди.

Ўтган йили қўшимча 305 та чиқинди тўплаш майдончаси қурилиб, 2 мингдан зиёд контейнерлар билан жиҳозланди. Республика бўйича жами 295 та полигон тўлиқ халтовдан ўтказилиб, уларнинг қадрияти тўғрисида, 97 та чиқинди полигони тартибга кели-

рилди. Қўмита қошида маиший чиқиндилар билан боғлиқ масалаларни назорат қилиш инспекцияси ташкил этилди.

Бироқ бу соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар ва қилинадиган ишлар жуда кўп. Масалан, юртимизда 53 фоиз аҳолига санитар-тозалаш хизмати кўрсатилади, холос. Шундан атиги 15 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келади. Деярли барча қишлоқларда маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва ташвиш умуман йўлга қўйилмаган.

Йиғилишда шу каби камчилик ва муаммолар танқидий таҳлил қилиниб, тизим олдидаги долзарб вазифалар белгилаб берилди. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига тегишли вазирликлар билан биргаликда шаҳарларда чиқинди йиғиш шохбчаларини тартибга солиш, қишлоқ аҳоли пунктларида санитар-тозалаш хизматларини ривожлантириш бўйича 5 йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ушбу дастурда кўп қаватли уйларида ашовчи аҳоли сонидан келиб чиқиб, чиқинди йиғиш майдончаларини намунавий лойиҳалар асосида оптимал ташкил этиш, чиқинди ташвиш махсус техникалари харидини кўпайтириб, қишлоқ аҳолисини санитар-тоза-

лаш хизматлари билан бошқичма-бошқич камраб олиш, давлат-хусусий шериклик принципи асосида "Тоза ҳудуд" унитар корхоналари буюртмасига кўра соҳада тадбиркорлар иштирокитини кенгайтириш чора-тадбирлари назарда тутилади.

Маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳақида сўз борар экан, Президентимиз хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва кенг жорий этиш зарурлигини таъкидлади. Германия, Бельгия, Япония, Голландия, Швеция каби мамлакатларда 60 — 65 фоиз маиший чиқинди қайта ишланади, 20 — 25 фоиздан энергия олинади, қолган қисми ёқилади. Яъни чиқиндини полигонларда қўйишга ҳам эҳтиёж йўқ, деди Шавкат Мирзиёев. Бунинг натижасида ер ресурслари тежаланиб, иқтисодий самарага эришилади ва атроф-муҳитга салбий таъсир камаюди.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилда мамлакатимизнинг 9 та шаҳрида чиқиндини йиғиш ва қайта ишлаш кластерларини ишга тушириш бўйича топшириқ берилди. Бу борада Сурхондарёда ташкил этилган кластер фаолияти намуна қилиб кўрсатилди.

Шунингдек, Фарғона водийси, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида амалга ошириладиган чиқиндини қайта ишлаш лойиҳа-

лари бўйича инвесторлар билан битимлар имзолаш, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш юзасидан "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ишларини тизимли ташкил этиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Пластик, полиэтилен ва бошқа қадоклаш материалларини тўплаш, утилизация қилиш ёки қайта ишлашга топширишда иштирок этаятган жорий қилиш зарурлиги қайд этилди.

Атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш соҳасида давлат назоратини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Масалан, Андижон, Ангрен, Бўхоро, Навоий, Фарғона, Олмалик, Бекобод, Чирчиқ, Тошкент ва Нукус каби сановатлашган шаҳарларда ҳавонинг чанг билан ифлосланиш даражаси санитар меъдордан ўрта ҳисобда 2,7 баробар ортгани кўрсатилди.

Шу боис Экология давлат қўмитаси мутасаддиларига ҳалқор тажриба асосида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Миллий концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда ўсимлик ва ҳай-

вонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза этиладиган ҳудудларни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Масалан, ўтган йили ҳайвонот ва ўсимлик дунёси бўйича 3 минг 782 та ҳуқуқбузарлик ва браконьерлик ҳолатлари аниқланган. 8 та давлат қўриқхонасидан 6 таси ўрмон ҳўхалиги давлат қўмитасида, 2 таси Геология ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмиталари тасарруфидда бўлиб, уларни бошқаришда ягона тизим мавжуд эмас. Шу боис қўриқхоналарни ягона давлат органига бириктириш масаласини ўрганиб, асосли тақлифлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Чиқиндиларни тўплаш ва ташвиш ишларини доимий назорат қилиш, аҳолининг бу борадаги маданияти ва масъулиятини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борадаги ишлар замирида одамларнинг соғлиги, турмуш фаровонлиги ётибди. Шу боис бу масала билан ҳар бир туманда ва доимий шугулланиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берилди.

У.А.

## Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси матни БМТ Бош Ассамблеясида катта қизиқиш уйғотди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси асосий қондалари "2030 йилгача Барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини амалий рўёбга чиқариш бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг чора-тадбирлари тўғрисида" деган ном билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Ҳужжат ташкилотнинг расмий тилларида (араб, инглиз, испан, рус, француз ва хитой) таржима қилинди ҳамда БМТда аккредитациядан ўтган барча дипломатик ваколатхоналарга тарқатилди, шунингдек, БМТ расмий ҳужжатлари тизимига жойлаштирилди. Қуйида ҳужжатнинг тўлиқ матни келтирилмоқда.

### ДУНЁ НИГОҲИ

## 2030 йилгача Барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини амалий рўёбга чиқариш бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати жамият ҳаётининг барча жаҳасида аҳоли фаровонлигини янада ошириш ва барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадларга эришиш йўлида кенг қўламли ислохотларни чуқурлаштиришда давом этмоқда.

Шу маънода, 2017 йил Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи бошлангани билан ёдда қолди. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратаёпти. Бунинг учун давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятлари сафарбар этилди.

Бунда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белги-ланган чора-тадбирлар амалга оширилгани муҳим қадам бўлди. Давлат муассасалари фаолиятида, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил декабрь ойида мамлакат парламенти палаталарига Мурожаатномасида аниқ қайд этилганидек, "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойил асосий мезонга айланди.

(Давоми 3-бетда).

## АҚШнинг «The Jamestown Foundation» маркази:

## ЎЗБЕКИСТОНДА МИСЛСИЗ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛМОҚДА

Мамлакатимиздаги ислохотлар хорижий экспертлик доираларда тобора кўп муҳокама қилинаётган мавзуга айланмоқда. Юртимизда юз бераётган янгиликларни АҚШнинг "The Jamestown Foundation" маркази мутахассислари ҳам таҳлил этишди. Марказнинг таҳлилий материалларида ўтган йилнинг энг муҳим воқеалари — ички сиёсатдаги либераллаштириш, қўшни давлатлар билан муносабатларнинг яхшиланиши, шунингдек, 2018 йилда қўлга келган асосий ўзгаришлар ҳақида сўз боради.

### ЭЪТИРОФ

"The Jamestown Foundation" АҚШдаги энг нуфузли "ақл марказлари"дан. Ўзбекистон ҳақидаги таҳлилий материал собиқ иттифоқ мамлакатларига бағишланган "Eurasia Daily Monitor" бўлимида эълон қилинди. Шавкат Мирзиёев Президент сифатида иш бошлагач, ички ва ташқи сиёсатдаги мавжуд жиддий нуқсонларни йўқотиш ҳамда

давлат бошқаруви тизимидаги турғунликни бартараф этишга киришди. Шавкат Мирзиёев 2017 йилда мамлакатдаги вазиятни ўзгариштириш учун салмоқли саъй-ҳаракатни зиммасига олди. Асосий ислохотлар хусусий секторни янада жонлантиришга қаратилди. Янги ҳукумат қичик ва ўрта бизнесга Ўзбекистонни иқтисодий тараққий топтириш кучи сифатида

қарамоқда. Президент бошчилигида молия ҳамда пул-кредит сиёсатини либераллаштириш, хусусан, валюта конвертациясини енгилаштириш ва давлатнинг тартибга солиш ролини сезиларли даражада камайитириш бўйича аниқ қадамлар ташланди. Ҳукумат бизнес яратитиш муаммоларини амалда ҳал қилишга киришди.

(Давоми 3-бетда).

## 2018 ЙИЛ — ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

## Замонавий ёндашув — муваффақиятлар кафолати

Ҳеч бир соҳада инновацияларни қўлламасдан туриб муваффақиятга эришиб бўлмайди. Бинобарин, Президентимизнинг жорий йил 22 январдаги "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармонида ҳам мана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Шу маънода, ташаббус ва илғор ишланмалар эндиликда барча соҳада талаб этилаётган энг муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги "Вектап Рйуз" масъулияти чекланган жамиятида ана шундай тамойилга қатъий амал қилиб келинади. Бу эса муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

(Давоми 3-бетда).



(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давом. Бошланғич 1-бетдан).

Биринчидан, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш;

Иккинчидан, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир иқтимоий аҳволига тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, уларга иқтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

Учинчидан, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шартлоқларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва ҳусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

Тўртинчидан, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан яқин тартибда иш олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида овоз қилинган хотин-қизларнинг иқтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш;

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ва унинг ҳудудий бўлиналари раҳбарлари энг аввало:

жойларда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан яқин тартибда ҳамда аниқ мақсадда йўналтирилган ишлари олиб бориш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш;

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, улар ўртасида оилавий ва ҳусусий тадбиркорликни, хунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалий чораларни амалга ошириш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этиш, шу жумладан, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга шахсан жавобгардир.

3. Қўраларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига тегишли штат бирикларини туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари тузилмасига ўтказган ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис (кейинги ўринларда — мутахассис деб юритилади) лавозимини жорий этиш бўйича тақлифга розилик берилсин;

Белгилансинки: мутахассис лавозими ҳар бир фуқаролар йиғинида 1 тадан, оилалар сони 2000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан жорий этилади;

мутахассис фуқаролар йиғини босида жойлашадиган, лавозими бўйича фуқаролар йиғини кенгашининг таркибига кирадиган фуқаролар йиғини билан яқин ҳамкорликда ўз фаолиятини амалга оширадиган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан биргаликда 2018 йилнинг 1 апрелига қадар фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича ҳар бир маслаҳатчиси фаолиятини танқидий ўрганиб чиқсин ва натижалари бўйича янгидан қиратишган мутахассис лавозимларига етарли билим даражасига, юқсак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажара оладиган шахсларни тайинлаш чораларини кўрсин.

4. Қўйидагилар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, вилоят марказлари бўлган шаҳарлар, туманлар (шаҳарлар) хотин-қизлар қўмиталари ижро этувчи аппаратларнинг намунавий тузилмалари 3, 4 ва 5-иловаларга мувофиқ.

Хотин-қизлар қўмиталари ижро этувчи аппаратлари ходимларининг чекланган сонига нисбатан тоифаланган вилоят марказлари бўлган шаҳарлар, туманлар (шаҳарлар) рўйхати 6-иловага мувофиқ таъминлансин.

5. Белгилансинки: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, моддий таъминоти, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш бўйича тегишли вазиридан биринчи ўринбосари ва вазири ўринбосарларига тенглаштирилади;

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси марказий аппарати ходимларига нисбатан, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Худудий давлат бошқаруви органлари ходимлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 9 январдаги ПҚ-2722-сонли қарорининг 1-бандида белгиланган ҳар ойлик устамалар қўлланилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази (кейинги ўринларда "Оила" маркази деб юритилади) ва унинг ҳудудий бўлиналари Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги Республика "Оила" илмий-амалий маркази негизда ташкил этилсин ҳамда қўйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, "Соғлом оила — соғлом жамият" концептуал ғоясини ҳаётга таъбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, бу соҳада норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини, унинг фаровонлиги ва хотиржамлигини ошириш масалаларини комплекс ўрганишни ташкил этиш, мазкур йўналишлар бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ва самарали таъбиқ этиш;

замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатларини, бой маданий тарихий мерос ва аънавий оилавий қадриятлар муаммоларини бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш, улар асосида оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилавий ажрашишларнинг олдини олиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

умуминсоний ва миллий оилавий қадриятларни, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш асосида замонавий намунавий оиланинг мезонларини белгилаш, шунингдек, замонавий оиланинг намунави шаклини ҳамда "Оила жамият ва давлат ҳимоясида" конституциявий принциплари кенг тарғиб этиш ва жамиятга синдириш ишларини олиб бориш; давлат органлари, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда нотинч ва муаммолли оилаларни аниқлаш ва уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга эид бўлган турли ёш ҳавф-хатарларга қарши туриш мақсадида улар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш; оила-ниҳоқ муносабатлари соҳасида амалиётни ўрганиш ва тажриба алмашиш борасида халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш.

7. Белгилансинки: "Оила" маркази директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

"Оила" маркази директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, моддий таъминоти, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш бўйича вазирига, директорнинг ўринбосарлари эса вазири ўринбосарларига тенглаштирилади;

"Оила" марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлиналари "Оила" марказига ва тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликларига ҳисобот беради;

"Оила" марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлиналари раҳбарлари тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан "Оила" маркази директори билан қилинган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

8. Белгилансинки, "Оила" маркази директори ва унинг ҳудудий бўлиналари раҳбарлари, энг аввало:

оила институтини мустаҳкамлаш, жамиятга унинг замонавий намунави шаклини синдириш бўйича сифатли тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳамда таъсирчан, илмий асосланган ва амалий тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга;

оилادا, айниқса, никоҳнинг илк даврларида эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича қўйлаётган чораларнинг натижадорлигига;

нотинч ва муаммолли оилаларни ўз вақтида аниқлаш, улардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш ва оилавий муносабатларни яхшилаш бўйича чоралар қўйишга шахсан жавобгардир.

9. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва "Оила" маркази вакиллари уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишларга ва бошқа тадбирларга жалб этиш тақликлансин.

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари мазкур талабни бузганлиги учун эғаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган шахсий жавобгарлиги тўғрисида қатъий оғохлантирилсин.

10. Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар "Оила" марказига унинг сўровига қўра марказга юклатилган вазифалар билан боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар, статистик ва бошқа маълумотлар, таҳлилий материаллар, ҳулосалар ва бошқа ахборотнинг тақдим этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 2018 йил 1 апрелдан ФХД органларини уларнинг никоҳ муносабатларига оид ақтларни расмийлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган асосий фаолият йўналиши бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсундириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

ФХД органи фаолияти, "Оила" марказининг туман (шаҳар) бўлими ҳамда хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича бошқа тузилмалар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси зиммасига юклатилсин.

12. "Оила" марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳузурда тиббиёт касб-ҳунар коллежлари негизда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишни ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ажрашишларнинг олдини олиш, шунингдек, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга оид бошқа масалалар бўйича кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилсин.

Белгилансинки, махсус ўқув курсларида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш "Оила" маркази томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган ўқув дастурулари асосида амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, "Тадбиркор аёл" уюшмасининг Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин ва қўйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, оғир иқтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш;

хотин-қизларга оилавий ва ҳусусий тадбиркорлик, хунармандчиликни ташкил этишда, меҳнат бозорида талаб қорчи бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эғаллашда кўмаклашиш.

14. Белгилансинки, 2018 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика "Оила" маркази ва уларнинг ҳудудий бўлиналари бошқаруви аппарати ходимлари таркибига кирувчи пенсиясизларга, уларнинг бу ташкилотлардаги фаолияти ягона бўлган тақдирда, пенсияларни тўлиқ тўланади.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва "Оила" марказининг оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари тузилмаларида ўсимир қизлар ва фертил ёшдаги аёллар учун "аёллар маслаҳатхоналари"ни ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи мақбул бўлиши ва қўйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

оилани режалаштириш, контрацепция усуллари, ҳомиладан сунъий равишда тушириш ва жинсий йўллар орқали юқадиган касалликларнинг олдини олиш бўйича, шу жумладан, аноним тарзда маслаҳатлар бериш;

оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ акушер-гинекологик ва иқтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, оналик ва перинатал касалликларнинг ва ўлим ҳолатларининг олдини олиш соҳасида аҳолининг билими ва санитария маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда "аёллар маслаҳатхоналари", шунингдек, уларнинг асосий вазифалари юзасидан "тезкор алоқа тармоғи" фаолиятини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин.

16. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра: Зулфия номидаги Давлат мукофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тулган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафар талабгорларга берилди;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлган ўқувчилари бакалавриятга, бакалаврият талабалари эса олий таълим муассасалари магистратурасига тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинади.

17. Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик

кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган "Мўътабар аёл" кўрак нишонини таъсис этилсин.

18. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларига Комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ой мuddатда: "Оила" маркази ва унинг ҳудудий бўлиналари фаолиятини, уларнинг тузилмаларини тасдиқлаш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини ҳар бир ходимнинг ваколатлари ва жавобгарлиги аниқ белгиланишини назарда тутган ҳолда ташкил этиш;

махсус ўқув курслари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш;

туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис фаолияти, унинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари, шунингдек, "Мўътабар аёл" кўрак нишонини тўғрисидаги низоимларни тасдиқлаш;

оғир иқтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзанд(лар)ини тўлиқсиз оилادا тарбиялаётган ва уй-жой шартини яхшилашга муҳтож оналар учун қўлай шартларга эга арзон уйлارни қуриш юзасидан ҳудудий манзилли дастуруларни, шунингдек, уйлари бериш тартиби тўғрисидаги низоимни тасдиқлаш ҳақида қарорлар қабул қилинсин;

б) уч ой мuddатда Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш Концепцияси лойиҳасини киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Оила" маркази билан биргаликда бир ой мuddатда: нотинч ва эҳтиёмқанд оилалардаги касаллиги, шу жумладан, репродуктив саломатлиги билан боғлиқ касаллиги бор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга манзилли тиббий ёрдам кўрсатиш;

Республика "Она ва бола скрининги" маркази ва Республика аҳоли репродуктив маркази ҳамда уларнинг бўлиналари фаолиятини биргаликда ўрганиш, шунингдек, уларнинг аҳолига қўрсатётган хизматларини ривожлантиришга оид тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини тасдиқласин.

21. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" маркази, "Saodat" журнали ва "Оила ва жамият" газетаси таҳриратларини жойлаштириш учун биналар ажратиш тўғрисида тақлиф қилганди.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Оила" маркази билан биргаликда икки ой мuddатда маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан "Оила" маркази ҳудудий бўлиналарини барча шартларга эга бўлган қизма хоналари, зарур меъбел ва жиҳозлар, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва Интернет тармоғи билан таъминласин.

23. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Фармонни амалга ошириш учун 2018 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет параметрлари доирасида зарур бўлган бюджет маблағларини ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса ҳар йили ушбу маблағларни назарда тутсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2004 йил 25 кунини йўқотган ПФ-3434-сон Фармони 2018 йил 1 апрелдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

25. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" маркази ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармондан келиб чиқиб, шу жумладан, ФХД органларининг туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсундирилиши муносабати билан адлия ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ваколат ва функцияларини чегаралаш назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

26. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. Т. Камиллов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2018 йил 2 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ватанимиз тараққиётида, оила ва жамият ҳаётида хотин-қизлар муҳим ўрни ва мавқега эга. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган аёллар ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳусусан, давлат бошқаруви ва вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, фермерлик, соғлиқни сақлаш, таълим, маърифат, маданият ва бошқа ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда.

Хозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 154 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 515 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутати борлиги, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан зиёдини ҳамда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилувчиларнинг 72 фоизини айнан аёллар ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига оғуэсиз риюя қилинишини таъминлаш, оналик ва болалигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чқариши учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бирок ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмини яратишга тўқсиллик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мавжуд камчилик ва муаммолар атрофида таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг жамият ҳаётидаги фаолиятини ошириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида қўмита фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлиналарининг янгиланган тузилмалари тасдиқланди.

Фармон билан 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига ҳар бир фуқаролар йиғинида 1 тадан, оилалар сони 2000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди.

Оилавий қадриятлар ва аънавлар йўналишида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб бориш мақсадида Республика "Оила" илмий-амалий маркази негизда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда алоҳида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлиналари ташкил этил

# Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси матни БМТ Бош Ассамблеясида катта қизиқиш уйғотди

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Республикада амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоиз кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдо-си 854 миллион АҚШ долларига етди.

Мамлакатда миллий валюта — сўмини эркин конвертация қилишга киришилди. Ушбу соҳа либераллаштирилганидан сўнг чет эл валютасининг олди-сотди операциялари ҳажми 1,5 баробар ошди. Ўз навбатида, давлатнинг олтин-валюта захиралари 1,1 миллиард АҚШ долларига кўпайди.

Йил давомида мамлакатда 12 та эркин иқтисодий ва 45 та sanoat зонаси фаолияти йўлга қўйилди ва бу ташкилий чоралар ҳудудларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Яқин вақт ичида яна 50 та янги sanoat зонасини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилаётир.

Янги иш ўринлари очиб масаласига устувор аҳамият қаратилмади. 2017 йилда янги sanoat корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объекларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

Давлат сиёсатининг гоёмухим йўналиши бўлган ижтимоий соҳани ислох

қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси ҳам босқичма-босқич таъминланмоқда. Ҳукумат имтиёзли ипотека кредитлари асосида янгилашган намунадаги арзон уй-жойлар қуриш лойиҳасини бажаришга киришди. Шаҳар ва қишлоқларда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Аввалги йиллар билан таққослаганда, уй-жой қурилиши ҳажми кескин ошди. Масалан, 2007 йилдагига нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилдагига нисбатан 3,5 баробар, 2014 йилдагига нисбатан эса 2 баробар кўп уй-жой қурилди.

Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан аниқ чоралар кўрилди. Молия вазирлиги ҳузурида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси тўзилди ва унга 200 миллиард сўмдан (тахминан 25 миллион АҚШ доллари) зиёд маблағ йўналтирилди. Ана шу маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг сув таъминоти, турмуш шaroити яхшиланмоқда.

2017 йилда янги таълим муассасаларини қуриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. 12 та умумтаълим мактаби янгитдан барпо этилди, 320 таси реконструкция қилинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди. Шунингдек, 107 та мактаб-гача таълим муассасаси реконструкция

қилинди ва қурилди, 195 та боғча капитал таъмирланди.

Яқин 3-4 йилда мамлакатнинг барча ҳудудига минглаб янги боғчалар қуриш ва уларни жиҳозлаш, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтариш кўзда тутилмоқда. Қолаверса, болаларни ёшлигидан тарбиялашнинг катта ўрни ва аҳамияти эътиборга олинди, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди.

Таълим тизимидаги инновация ва креатив ёндашувлар асосида аниқ фанлар чўқур ўқитиладиган махсус мактаблар ташкил этилди. Шунингдек, олий таълим тизимини янада такомиллаштириш борасида ҳам кўплаб ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Жумладан, 2017 — 2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Янги ташкил этилган институт ва филиаллар ҳисобидан олий таълим муассасалари сони 81 тага, ҳудудлардаги филиаллар 15 тага, хорижий университетлар филиаллари 7 тага етди.

Ўзбекистон Фанлар академияси тизими такомиллаштирилди, моддий-техника базаси мустаҳкамланди, унинг таркибидан бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти тикланди. АҚШ илмий танаффусдан сўнг Фанлар академиясига сайлов ўтказилди. Ушбу соҳадаги изчил ишлар битта

мақсадни — Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлишни кўзлайди.

Ислохотларни янада чўқурлаштириш ва барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадларни изчил амалга ошириш "Фаол тадбиркорлик, инновацион фойлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилинди.

Тадбиркорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланди. Бундан ташқари, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш учун уларга ҳар томонлама имконият яратиш беришга алоҳида эътибор қаратилади.

Бугун Ўзбекистон давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқда. Айнан шунинг учун ҳам 2017 йилда Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди ва аниқ вазифалари белгилаб берилди. Бу вазирлик нафақат иқтисодий соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда

ўзига хос локомотив ролини бажариши лозим. Жумладан, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, мазкур жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокитини, икждий гоё ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси эътибор марказида бўлади.

Мамлакатда иқтисодийетни либераллаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар бошлаб юборилди. Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун қўллаб-қувватлаш бўлиб келиши алоҳида эътиборга олинди. Бугунги кунда дунёда инновацион тараққиёт моделларини жорий этиш, илгор гоёлар, "ноу-хау" ва "ақлли" технологияларни экспорт қилиш ҳисобидан тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар сони тобора ортиб бормоқда.

Ҳукумат инвестицияларни иқтисодийетнинг реал секторига жалб қилиш, лойиҳаларни шакллантиришнинг бутунлай янги механизмини жорий этишдаги маъжуд муаммоларни бартароф этиш устида фаол иш олиб бормоқда. Бу борада биринчи қадам сифатида Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари қабул қилиниб, мазкур дастурларни молиялаштириш фаолияти кўринувчи бўлди.

Хозирги кунда республикада 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бирок қишлоқ ҳўжалиги махсуслотла-

рининг мамлакат ялли ички махсуслотидаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Аграр соҳа махсуслотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Шу муносабат билан қишлоқ ҳўжалигини янада ислох қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Бунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида тизимли чора-тадбирлар қўриллапти. Ушбу соҳадаги вазиятни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистонда "Ақлли тиббиёт" ва "Ягона тиббий ахборот маркази" концепцияларини маҳаллий шароитга мослаштириб татбиқ этиш мўлжалланмоқда. Бу сайёҳаракатлар ҳудудлар аҳолисини учун қўлай бўлган, сифатли ва замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларни барвақт аниқлаш, масофадан туриб профилактика қилишни таъминлайди.

Умуман, Ўзбекистонда ислохотларнинг изчил амалга оширилиши 2030 йилгача Барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибидеда белгиланган мақсадларга муваффақиятли эришишга, республикадаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати.

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



### Мулоқотлар давом этади, ҳужжатлар ижроси ўрганилади

Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан журналистлар учун матбуот анжуманлари ўтказилмоқда. Уларда қўмиталарнинг ўтган йилдаги фаолияти яқунлари ҳамда жорий йилда белгиланган устувор вазифалар ҳақида кенг маълумот тақдим этиляпти.

Жумладан, **Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси** ахборотида таъкидланганидек, ўтган даврда қўмита томонидан 31 қонунни инвентаризация қилиш, қонунчиликдаги "оқ доғлар"ни аниқлаш бўйича тегишли ишлар амалга оширилган. 2 та қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида қўйи палата муҳокамасига киритилган. "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги ҳамда "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар ижроси тегишли вазирлик ва идораларда ўрганилган. Депутатлар томонидан давлат бошқаруви ҳамда ҳўжалик органлари мансабдор шахсларига 59 та депутатлик сўрови юборилган.

Қўмита аъзолари ўз фаолиятида саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарида бўлиб, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечимини юзасидан қонунчиликка тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш амалиётини йўлга қўйган. Ҳисобот даврида 38 та саноат ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарига ташрифлар уюштирилгани бунинг амалий ўшорасидир.

Тадбирда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида фуқаролар мурожаатларини қўриб чиқишга жиддий эътибор қаратилгани, бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил ҳамда тизимли равишда давом эттирилиши айтиб ўтилди.

**Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг** оммавий ахборот воситаларини вакиллари билан мулоқоти расмий таълимчилардан холи, қизгин савол-жавобларга бой тарзда кечди. Асосий эътибор қўмита томонидан 2018 йил учун белгилаб олинган устувор вазифаларга қаратилди.

Таъкидланганидек, қўмита жорий йилда қонун ижодкорлиги фаолиятида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат дастурида белгиланган "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда қатнашади.

Қўмита томонидан 2018 йилда аҳоли бандлигини кўмаклашиш дастурида белгиланган чора-тадбирлар бажарилишини Хоразм ва Наманган вилоятлари мисолида ўрганиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг ушбу Дастур ижроси

### Учта қонун лойиҳаси бўйича таклифлар кўриб чиқилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари фаолияти давомида аҳолини уйлантираётган масалаларни чўқур ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда муаммоларни ҳал этишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Қонунчи, жорий йилнинг январь ойида ҳудудларда ўтказилган чўқур ўрганишларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент қўйи палатасидаги фракцияси аъзолари томонидан давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа объектилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда хонадонлар, жами 1500 га яқин объектлардаги бугунги реал ижтимоий-иқтисодий ҳолат таҳлил қилинди. Мулоқотларда 4 мингга яқин аҳоли қамраб олинди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида ушбу ўрганиш натижалари атрофида муҳокама этилди.

Фракция раҳбари С. Отамуратовнинг таъкидлашича, аҳоли, асосан, уй-жой, коммунал, бандлик, таълим, тиббий хизмат, интерактив давлат хизматларини кўрсатиш, банк-кредит, тадбиркорлик, транспорт ва йўл қурилиш каби масалаларда мурожаат қилган. Уларнинг аксарияти фракция аъзолари томонидан тегишли маҳаллий давлат органлари ҳамкорлигида жойида ҳал этилган бўлса, республика миқёсида қўриб чиқиши ло-

зим бўлган муаммолар юзасидан тегишли вазирлик, идора ҳамда бошқа давлат ташкилотларига 17 та депутатлик сўрови юборилиб, ижроси қатъий назоратга олинган.

Йиғилишда қўйи палата ялли мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган "Медиашия тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Қишлоқ ҳўжалиги ўсим-ликларини зараркундан қасалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги тахрирда) қонунлар лойиҳаларига жойлардаги партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда электротармақларидан келиб тушган таклиф ва тавсиялар муҳокама этилди.

Айтиб ўтилганидек, мазкур 3 та қонун лойиҳаси бўйича 200 дан ортик таклифлар берилган. Уларнинг аксарияти партия гоёвий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда унинг фракцияси позициясини акс эттиргани билан алоҳида аҳамиятга молик.

Яқунда тегишли қарорлар қабул қилинида ҳамда галдаги вазифалар белгилаб олинди.

## МЕРОС

Хорижий сайёҳлар Бухоро шаҳридаги "Атлас — 98" оилавий корхонасининг адреслари олдидан бефарқ ўтиб кетишолмайди.

### Бухоро атласининг сири нимада?

— Улар ипак матоларининг синчилак қуатишда, вақтларини аяшмайди ва албатта, харид қилишади, — дейди корхона раҳбари Бахшанди Файзиёва. — Сабаби оддий. Ипакни ўзимиз бўямиз. Адрес, атлас ва тилларнинг табиий бўёқлардан тайёрлаймиз. Матони тайёр ҳолга келтиргунга қадар 37 та жараёнини кўриб билан бажарамиз. Шу боис ҳам корхонамизнинг номи хорижликлар учун таширф қозғони вазифасини ўтамоқда.

Қалб қўрини бериб ишлаган баракка топар экан. Оилавий корхона томонидан "Атлас" деб номланган меҳмонхона ҳам барпо этилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Замонавий ёндашув — муваффақиятлар кафолати

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Корхонамида 60 га яқин тиббиёт буюмлари, хусусан, вазирлик ва ишхонага хориждан келтирилди. Нархи ҳам арзон эмас. Масалан, кўкрак қафасига мўлжалланган бандажнинг бир донаси илгари 100 АҚШ доллари атрофида Хиндистондан олиб келинган. Биз таклиф қилаётган худди шундай махсуслот баҳоси эса 39 минг сўм. Қолаверса, хориж махсуслотлари, асосан, суний толадан тайёрланаётгани туфайли улар

ички бозордаги рақобатга дош беролмапти. Нега деганда, охириги уч йилда бу борадаги эҳтиёж маҳаллий махсуслотлар эвазига тўлиқ қондириляпти.

Айни пайтда корхонада 40 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган бўлса, улар томонидан буюртмачиларга йилга 5 миллион сўмлик махсуслот етказиб берилмоқда. Лекин бу кўрсаткич янада ошади. Янги корхона жамоаси шу кунларда қўшимча жой олиш, фаолиятини кенгайтириш ҳаракатида. Бу лойиҳа доирасида йил охиригача қўшимча 12 та янги махсуслот ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, 30 га яқин кишиларнинг бандлиги таъминланади.

Корхонанинг ҳар бир махсуслоти жамоа гоёси асосида яратилади. Жумладан, яқинда тайёрлаш ўзлаштирилган фиксатор елка чўққанда тақилади. Ундан махсус гипс ўрнида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, у чап ва ўнг қўл учун мослаштирилади.

Амалиётда жорий этилаётган янгиликлар туфайли маҳаллийлаштирилётган янги махсуслотлар турли танлов ва кўргазмаларда муносиб эътироф этилган. Халқаро сифат сертификатини қўлга киритган. Шу боис айни пайтда корхонада махсуслотларни Россия, Қозғистон каби давлатларга экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Ўртимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ислохотлар қўламини, айниқса, кейинги йилларда янги босқичга кўтарилди. Давлатимиз раҳбари Фармонда бунинг учун қўлай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион қўлай қилиш, соҳа вакиллари химоялашнинг ҳуқуқий кафолатларини яратиш ҳамда улар фаолиятига ноқонуний ара-лашишларнинг олдини олиш механизминини бундан кейин ҳам изчил давом эттириш лозимлиги белгилаб қўйилди. Демак, ишбилармонларимиз сифати кенгайиб, ички бозоримиз сифатли махсуслотлар билан бойиб бораверади.

Дилшод УЛУҒМУРDOV, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



ишлаб чиқариш, Россия билан қишлоқ ҳўжалиги махсуслотлари экспортини қўлайлаштириш. Хитой билан нефть-газ секторини ривожлантириш ва кредит-молия соҳаларида ҳамкорликни фойдалаштириш.

"The Jamestown Foundation" тадқиқот марказининг прогнозларига қўра, мамлакат раҳбарияти 2018 йилда ҳам асосий эътиборини ҳақиқий бозор иқтисодийетни ривожлантиришга қаратиб, тадбиркорлик ҳамда кичик бизнесни янада такомиллаштиришни изчил давом эттиради. Янги маъмурият иқтисодийетни тараққиёт топтиришда йирик корхоналарга эмас, асосан, кичик ва ўрта корхоналарга таянапти.

Бинобарин, ҳукумат хусусий секторни ривожлантириш, қўлай шароитий муҳит яратиш учун кўп томонлама ислохотларни давом эттиради.

Таъкидлашича, маъмурий ислохотлар бундан кейин ҳам фаол олиб борилади. Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг қўллаб-қувватлаган мансабдор шахслар янада фаол ишлаши зарурлигини қатъий ўқтириб келмоқда. Гарчи, аксар муносибларда аввалги тизимдан бўён ишлаб келётган бўлсалар-да, улар ҳамда коррупция сингари иллатларга қарши курашиш мақсади ҳам муҳимдир.

Халқаро масалаларда янги раҳбарият қўшни мамлакатлар билан йиллар давомида шаклланган "музликларни эритиш" билан шуғулланиди. Дунё ҳамжамияти билан интеграциялашув жонланди. Афғонистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонда йирик этник ўзбеклар жамоаси истиқомат қилади. Шу ва бошқа сабаблар туфайли Тошкент ўтган йилда ҳар бир қўшни давлат билан муносабатларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратди. Натижада Ўзбекистон шу пайтга қадар жуда танг муносабатларга эга бўлган Қирғизистон ҳамда Тожикистон билан алоқаларида туб ўзгаришларни ясади. Чегараларни делимитация қилиш, ҳаво қатновлари йўлга қўйилиши, транспорт алоқасини кенгайтириш, иқтисодий ҳамкорлик Марказий Осиёнинг қўшни мамлакатлари ўртасидаги музокараларнинг марказида бўлди.

Дунёнинг йирик давлатлари билан муносабатларда ҳам Ўзбекистонда прагматик сиёсат олиб борилди. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг инвестиция ва савдо салоҳиятини кенгайтириш мақсадида яқин қўшнилар билан ҳам, бошқа мамлакатлар билан ҳам фаол ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Мисол учун, Ўзбекистон Жанубий Корея билан ахборот технологиялари, автомобиль ишлаб чиқариш, тиббий таълим, соғлиқни сақлаш, Туркия билан туризм ҳамда

О. ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

# Эзгулик куйчиси

Алишер Навоий улғу сўз санъаткорига эмас, балки ўз даврининг қомусий алломаси ҳам эди. Асарларидаги умумбашарий ғоялар, илм-фан тараққиёти билан боғлиқ қарашлар, одам ва олам муносабатларига оид фалсафий умумлашмалар, энг муҳими, баркамол авлод тарбиясига алоқадор дастурий кўрсатмалар бугунги кунимиз учун ҳам ғоят аҳамиятлидир.

Улғу сиймоларнинг ҳаёт йўли, турмуш тарзи ҳам бошқалар учун ибрат тисоли, беминнат мактаб намунаси бўлиб хизмат қилади. Зеро, Алишер Навоийнинг "Мақбуб ул-қулуб" асари муқаддимасида шундай мисралар бор:

**Ғажа топтим фалақдин нотавонлиг,  
Ғажа кўрдум замондин қомронлиг.  
Басе иссиғ-совуқ кўрдум замонда,  
Басе аччиғ-чучук топтим жаҳонда.**

Шунингдек, муаллиф ўз умр йўли хулосаларидан келиб чиқиб, қандай тоифа кишилардан узок бўлиш, кимларга эргашши лозимлиги ҳақида бизни огоҳ этар экан, "ҳар нав эл суҳбат ва хусусияти аларга ҳавас бўлмай, бу фақирнинг тажрибаси аларга бас бўлмай", дейди. Дарҳақиқат, улғу шоир ва мутафаккирни ўз даврида изтироб ҳамда ташвишга солган айрим иллатлар бугунги кунда ҳам инсониятни хавотирга солаётганлиги боис, унинг ўғитларига қайта-қайта мурожаат қилишимизни, тегишли хулоса чиқаришимизни даврининг ўзи тақозо этмоқда. Жумладан, айрим ёшларнинг умрини ҳазон қилаётган, гийҳандлик илати ўз даврида Навоийни ҳам улғу сўз санъаткори, ҳам давлат арбоби сифатида бонг уришига сабаб бўлган, "Лисон ут-тайр" дostonида муаллиф гийҳандликка мубтало бўлган бир кимсанин ўткинчи лаззат ва хомхалларга берилиши оқибатида хушёрликини йўқотиб, чаён нишидан ҳалок бўлишини ҳикоя қилади.

Бугунги глобаллашув жараёнида инсониятнинг қадим анъаналарига, жумладан, оилага оид умумбашарий қадриятларга раҳна солинаётганини айрим мамлакатлар мисолида кўриб турибмиз. Жамиятнинг олтин ҳалқаси бўлиши оилада эркакнинг ўз ўрни, аёлнинг ўз вазифалари мавжудлиги исбот талаб қилмайди. Алишер Навоий "Тарихи анбёи ва ҳукма" асарига бир жинсли одамларнинг оила қуришларини нафрат билан тилга олар экан, бундай шайтоний хатти-ҳаракат бутун бошли қавми ҳалокатга олиб борганлигини тарихий мисоллар асосида уқтиради.

"Садиқ Искандарий" дostonида Яъжу-ж

Маъжужлар деб номланувчи даҳшатли маълуклар тасвири берилган. Бундай мажозий маълуклар бир қўли бўлиб, теварак атрофга назар солишдан, мулоҳаза юритишдан маҳрумдирлар. Натижада улар ўз йўлларига ким ва нима учраса нобуд қилиб кетаверадилар. Энди айтинг-чи, Ватанини оёқости қилувчи, ҳатто ўз ота-онасига ҳам қурол кўтарувчилар ана шу маълукларни эслатаётганми?! Демак, мамлакатимизда олиб борилаётган жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш сиёсати Алишер Навоий меросида олға сўрилган оламшумул ғояларнинг ҳеч қачон эскирмаслигини яна бир бор тасдиқлайди.

Бугунги кунда дунё мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятни бундан кечирмоқда. Жаҳон харитасида оловли нуқталар сони, афсуслар бўлсинки, кўпайиб бормоқда. Айрим кимсалар ҳатто иқлимни ўзгартириб юборадиган қуроллар устида "бош қотираётган"лиги ҳақида эшитганимизда, Алишер Навоийнинг "Садиқ Искандарий" дostonидаги банибашарни огоҳлантирувчи куйидаги мисралари беихтиёр хаёлимизни банд этади:

**...Бу гўё жаҳон ичра тўфон эрур,  
Ки андин жаҳон аҳли вайрон эрур.  
Не тўфон, бало баҳри чайқолмоғи,  
Жаҳон аҳли сув остига қолмоғи.**

Бугун олиб борилаётган тинчликсевар сиёсат туфайли ўтган бир йил ичида эришилган ютуқлар бизга таскин бериш билан бирга, қалбимизни ифтихор туйғуларига ҳам тўлдирди. Зеро, юртимиз сарҳадлари қадимий қўшниларимиз билан дўстлик чегараларига айланмоқда, юртимиз раҳбарининг бу борадаги даврати жаҳон минбаридан янграмоқда, ташаббуслар олам аҳли томонидан кизгин қўллаб-қувватланмоқда, чунки биз Алишер Навоийнинг куйидаги васиятига ҳамиша содиқмиз:

**Олам аҳли билинғизим, иш эмас  
душманлиғ,  
Ер улунг бир-бирингизгаким, эрур  
ёриғ иш!**

Ҳабибулло ЖўРАЕВ,  
филолог фанлари доктори.

## «Тез тиббий ёрдам» тезлашмоқда

Жиззах вилоятида бир йил ичида «Тез тиббий ёрдам» шохобчалари сони 19 тадан 45 тага етказилди. Харид қилинган «Hyundai», «NISSAN», «Дамас-амбуланс» русумли 102 та янги автомашина хисобига қаққурув манзилга кечиб бориш шартлари 65 фойз қамлайб, молиялаштириш 2, дори воситалари билан таъминлаш 3 баравар ошди.

### ҒАМХҮРЛИК

Шунингдек, Республика али хоржий молия инсти-шошилиқ тиббий ёрдам ил-тутларининг 3,4 миллион мий маркази Жиззах фили-АҚШ долларлари миқдоридида

кредит ва грант маблағлари ҳисобига замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Шифокорлар фаолияти тўғри йўлга қўйилиши натижасида аҳолининг тор доирадаги мутахассислар хизмати учун марказга қатнаш даражаси 16-17 фойз қамайишига эришилган.

Толибжон ЭҒАШЕВ,  
«Хақ сўзи» мухбири.

## Мактабгача таълим муассасалари

замон талабларига мослаштириляпти

Юрт келажагига ишончни таълим-тарбия белгилаб беради. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тарихий аҳамиятга молик. Унинг ижроси бўйича Хоразм вилоятида ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

### БУНЁДКОРЛИК

Чунончи, ўтган йили вожадаги мавжуд мактабгача таълим муассасаларининг 14 тасида мукамал таъмирлаш, 4 тасида реконструкция ишлари амалга оширилиши, биттаси янгидан бунёд этилиши учун 14 миллиард 992 миллион сўм, мебель жиҳозлари ва ўйин-чоқлар билан таъминлашга 1 миллиард 169 миллион сўм маблағ сарфланди.

Яқинда Богот туманининг Обод маҳалласида 90 ўринга мўлжалланган замонавий тилдаги янги боғча фойдаланишга топширилди. 1 миллиард 80 миллион сўм маблағ йўналтирилган бу масканни лойиҳалаш янгича талаблар асосида амалга оширилди. Қишда иссиқ, ёзда салқин бинода кичкинтойларнинг ювиниши, овқатланиши, дам олиши ва машғулотлар ўтказиши учун барча шароит яратилди. Ҳовлида болалар ўйин майдончаси ва мўъжаз бог барпо этилди.

— Жорий йилда манзилли дастур бўйича 17 та боғчада қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришни кўзда тутганимиз, — дейди Хоразм вилояти мактабгача таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи Ирода Якубова. — Бу мақсадлар учун 40 миллиард сўм маблағ сарфланди. Барча юмушлар бугунги кун талаблари асосида амалга ошириляпти.

Одилбек ОДАМБОВЕВ,  
«Хақ сўзи» мухбири.




MIKROKREDITBANK

## ХИЗМАТ

Хунармандчилик — аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган бебаҳо қадрият. Соҳа ривожини йўлида яратилган қулай шарт-шароит ва усталарнинг заҳматли меҳнати туфайли ўтган йиллар мобайнида унинг йўқолиб кетган қўллаб-қувватлаш турлари қайта тикланди, такомиллаштирилди.

Бинобарин, Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони тармоқ ривожини янги даврни бошлаб берди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун хунармандларимиз томонидан тайёрланган буюм ва маҳсулотлар нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларни ҳам ўзига мафтун этмоқда. Қолаверса, соҳанинг аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашдаги аҳамияти беқиёс. Бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришда молия муассасалари, жумладан, «Микрокредитбанк» АТБ жамоаси ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Банк тадбиркорларни фаол қўллаб-қувватляпти. Буни хунармандларнинг ўзлари ҳам эътироф этишаптир.



РЕКЛАМА УРНИДА

# «Имтиёз ва имкониятлар масъулиятимизни ҳам оширади»

**Равшан САЪДУЛЛАЕВ,  
якка тартибдаги тадбиркор  
(Жива тумани,  
Саёт қишлоғи):**  
— Қулоллик билан шугулланаман. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ушбу касбини танлаб кам бўлмадим. Айни пайтда устахонамда ёшларга хунармандчилик сир-асрорларини ўргатайман.

Фаолиятимизни янада ривожлантиришда «Микрокредитбанк» АТБ жамоаси бизга катта кўмак бераёпти. Ушбу молия муассасаси аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, айниқса, миллий хунармандчиликни қўллаб-қувватлашда жонбозлик кўрсатаётгани эътиборлидир.

Банк томонидан ажратилаётган кредитлар жойларда тадбиркорлар сафини янада кенгайтириш, сервис сифатини яхшилаш ва янги иш ўринлари очилишига пухта замин яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Фармонига мубофиқ, эндиликда хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотишда қатъий белгиланган солиқ тўловидан, ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сургурта бадалли тўловдан озод этилади. Қишлоқ жойларда

рўйхатдан ўтиб, иш олиб бораётган хунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган сургурта бадалининг 50 фоизини тўлаши белгиланган бўлади.

Шу билан бирга, хунармандларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хоржий валютани эркин тасарруф этиш, жумладан, банк ҳисоб рақамидаги чет эл валютасини нақд шаклида олиш ҳуқуқи кўзда тутилгани жуда катта имкониятдир. Хоржий мамлакатларда ўтказилади-ган кўрғазма, танлов, ярмарка давомида сотилган хунармандчилик маҳсулотлари экспорт шартномалари тузилмасдан амалга оширилиши мумкин. Олинган даромад эса экспорт тушуми ҳисобланмайди.

Хунармандларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун имтиёзли тартибда жой ажратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда улар томонидан давлат мулкни ижарага олишда ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг 50 фоизи миқдоридан ошмайди.

Демокриманки, Президентимиз Фармони асосида бизга берилаётган яна қўллаб-қувватлаш қўллаб-қувватлаш енгилликлар айни пайтда зим-

мамизга катта масъулият ҳам юқлайди.

Ўзим яқинда «Микрокредитбанк»дан 27 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, ишлаб чиқаришни кенгайтирдим. Уч нафар ўғлим ва келинларимни ҳам фаолиятимга жалб қилдим. Устахонамизда тайёрланаётган пиёла, лаган, товоқ, кўза, коса, хум каби қулоллик маҳсулотлари аллақачон харидорлар эътибори ва эътирофига сазовор бўлиб улгурди. Бу бизни қувонтиради, албатта.

**Барот ҚҮЧКОРОВ,  
Бухоро вилоятидаги  
«Жаннат плюс люкс»  
хусусий корхонаси  
раҳбари:**

— Тадбиркорлик фаолиятини бошлаганимга ҳам, мана, тўққиз йилдан ошди. Айни пайтда маҳаллий хом ашё, яъни чарни қайта ишлаб, ундан турли кийим-кечак ва пойабзал маҳсулотлари тайёрлаб, ички бозорга йўналтиряпмиз. Ишлаб чиқариш жараёнини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш ҳамда айланма маблағимизни шакллантиришда «Микрокредитбанк» АТБ мутахассислари бизга яқиндан кўмак ва маслаҳатларини беришмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва

хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида биз, соҳа вакиллари учун жорий этилган қатор имтиёз ва преференциялар фаолиятимиз ривожига кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

Хусусан, Фармонга асосан, хунармандчилик марказлари ҳамда бошқа объектлар қурилишини молиялаштириш мақсадида, катта ҳажмда имтиёзли кредит ресурсларини ажратиш механизми жорий этилгани биз учун айни муддао бўлди.

Шундай қулайликлардан фойдаланиб, мен ҳам раҳбарлик қилаётган корхонамнинг айланма маблағларини шакллантириш мақсадида хом ашё сотиб олиш учун кредит сўраб, мурожаат қилгандим. Банк ҳодимлари бизнес-лойиҳамизни қисқа муддатда ўрганиб чиқиб, 2 йил муддатга 51 миллион сўм миқдордаги кредит ажраттиди. Бу маблағ авазига фаолиятимизни кенгайтирдик. Қолаверса, аксарияти коллеж битирувчиларини иборат қилган жамоамизнинг барқарор ишлаши таъминланди.

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Nestle Uzbekistan MChJ» МЧЖ ҚҚ**

тайёр маҳсулотларни Ўзбекистон бўйлаб транспортда ташиш учун транспорт хизматларини сотиб олиш юзасидан қуйидаги асосий йўналишлар бўйича танлов эълон қилади:

- Тошкент — Наманган — Тошкент — компания оморхоналари — 650 км.
- Тошкент — Наманган — Тошкент — компания оморхоналари — 325 км.
- Наманган — Тошкент — компания оморхоналари — 325 км.
- Тошкент ш. машина-кун — компания оморхоналари — кунига 120 км.гача.
- «Нестле» заводи (Наманган, Маргилон кў., 216-«А-уй») — «Интер Тола» МЧЖ оморхонаси (Раустан, Наманган тумани) — 12 км.
- «Нестле» заводи (Наманган, Маргилон кў., 216-«А-уй») — Тўрақўрган оморхонаси (Оқтош қишлоғи, Наманган вилояти) — 30 км.

Ташкилотларга қўйиладиган асосий талаблар: 24 тонна юк кўтариш қобилиятига эга транспорт воситаларининг мавжудлиги, юрларни ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиш ва озик-овқат маҳсулотларини транспортда ташишга қўйиладиган санитария талабларига жавоб бериш.

Ўз тақлифларини муҳрланган кўринишда, юқорида кўрсатилган ҳар бир йўналиш бўйича батафсил ҳисоб-китобларни илова қилган ҳолда, қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент ш., А. Қаҳҳор 7-тор кўчаси, 9-уй, Етказиб бериш бўлими менежери Хурсанд Султанов номига.

Тақлифларни тақдим қилиш муддати — 2018 йил 15 февралгача.

**«RESPUBLICA MULK MARKAZI» МЧЖ**

бошланғич баҳоси бошқича-бошқича ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиалига тегишли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шохқўчаси, 5-уйда сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/753 USA бўлган, техник соз, «ЕРИСА» русумли автотранспорт воситаси такоран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 64 353 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2018 йил 19 февраль кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 16 февраль соат 18.00 гача.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»-уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Савдо голиби деб топилган шахсга 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти юқлатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закатат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МҒО: 01121, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

**«ELXOLDING»** МЧЖ шаклидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси

сотувга тақдим қилади.

Ғўза қатор ораларига ва очик майдонларга дон экишга мўлжалланган универсал саялка УСЗД-3,6-0,9

**«ELDOSH EL 150»** русумли юк мотоцикллари

Тезлик! Куч! Қулайлик!

Маҳсулот омордорларда доим мавжуд.

Тўлов шакли — исталган тарзда.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 36-уй. Телефонлар: (+99891) 541-90-41, (+99866) 234-22-72.

Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки жамоаси Банк рискларини бошқариш департаменти директори Уринбосари

Ўтқир ШУКУРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чучук тазия изҳор этади.

**«ХАҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР**

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
232-11-15,  
232-10-63.  
E-mail: reklama@xs.uz

**Хақ сўзи Народное слово**

Бош муҳаррир Ўтқир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 245. 139 358 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ГАЗЕТАНИ ХАҚИДАги МАЪЛУМОТЛАРНИ ОҚИБ ОЛИШ УЧУН QR-КОДИНИ ТЕЛЕФОННИНГ ОРДИЛИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ТАХРИРАТТА КЕЛГАН ҚЎЛЯЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИҒГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

ГАЗЕТАНИНГ ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШИ УЧУН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАШКИЛОТ ЖАВОБДОР.

ГАЗЕТА ТАХРИРАТ КОМПЬУТЕР МАРКАЗИДА ТЕРИДИ ҲАМДА ОПЕРАТОР М. БЕГМУРАТОВ ТОМОНИДАН САҲИФЛАНДИ.

ГАЗЕТАНИНГ ПОЛИГРАФИК ҲИЖАТДАГИ СИФАТНИ ЧОП ЭТИЛИШИГА «ШАРҚ» НАШИРЎТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ МАСЪУЛ. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.  
Навбатчи — Р. Шеркулов.  
Мусахҳух — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наширЎт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Топширилди — 23.35 1 3 4 5 6